

ҚОЛИПЛИ НОН МАХСУЛОТИНИ ХАРИД КИЛИШ ШАРТНОМА № 1

Хатирчи туман

“27” январ 2022 йил

"Хатирчи асл ипак гиламлари" МЧЖ (бундан буён "Таъминотчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбар М.Хамраева ҳамда иккинчи томондан Мактабгача таълим бўлими (бундан буён "Истеъмолчи" деб юритилади) Низом асосида фаолият курсатувчи раҳбар А.Тошев ушбу шартномани куйидагича туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 Ушбу шартнома бўйича "Таъминотчи" "Истеъмолчи" нинг буюртмасига асосан белгиланган озиқ- овқат маҳсулотларини етказиб беради. "Истеъмолчи" эса озиқ- овқат маҳсулотларини белгиланган тартибда қабул қилиб олади.

1.2 "Таъминотчи" ва " Истеъмолчи" учун: (озиқ-овқат маҳсулотларининг тури,хажми,нархи)

Тўр	Озиқ-овқат маҳсулотларининг тури	Ўлчов бирлиги	Хажми	Нархи	Суммаси
1	Қолипчи нон (500гр)	дона	8428	1500	12 642 000
	Жами:				12 642 000

Сумма: Ўн икки миллион олти юз қирқ икки минг

I. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

"Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:

2.1.Шартноманинг 1.2 бандида кўрсатилган миқдордаги ва сифатдаги озиқ-овқат маҳсулотларини "Истеъмолчи"га юк хати билан топшириш.

2.2.Агарда шартнома шартларига мувофиқ деб топилса, маҳсулотларни ташиб бериш."Истеъмолчи" нинг мажбуриятлари:

2.3.Озиқ-овқат маҳсулотларини 1 кун муддатда кўздан кечириш. Маҳсулотларни мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аниқланган такдирда,"Истеъмолчи" озиқ- овқат маҳсулотларини қабул қилмайди.

2.4.Озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилганлиги тўғрисида ҳар ҳафта якуни билан 1 та ишонч коғози билан расмийлаштириш мажбуриятларини олади.

2.5. Шартномада белгиланган тартибда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақини тўлайди.

III. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ХИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1. Мазкур шартнома суммаси ҚҚС билан ўн икки миллион олти юз қирқ икки мингга ташкил этиб сўмда ҳақ тўланади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб - китоблар пулни кўчириш йўли билан олдиндан 30% пулни тулаш, колган

70% ни махсулот қабул қилингандан сунг 30 кун ичида тулаш йўли билан амалга оширилади.

3.3. "Таъминотчи"нинг айби билан "Истеъмолчи" нон махсулотларини кўздан кечириш имкониятига эга бўлмаса, озиқ-овқат махсулотларини ҳақини тўлашни кечиктиришга ҳақли.

IV. МАХСУЛОТЛАРНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ.

4.1. Озиқ-овқат махсулотларининг тасодифан нобуд бўлиши махсулотни топширилган пайтдан бошлаб "Истеъмолчи"га ўтади

4.2. Озиқ-овқат махсулотларини топширишдан бошлаб келишилган муддатга қадар "Таъминотчи" сифатига қафолат беради.

4.3 "Истеъмолчи" махсулотларни қабул қилиб олишда махсулот миқдорининг камлиги, сифатсизлиги аниқланган тақдирда махсулотларни қабул қилиб олмаслик ҳуқуқига эга.

V. ШАРТНОМА БАЖАРИШ МУДДАТИ.

5.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Газначилиқдан руйхатдан ўтган пайтдан бошлаб қонуний қучга қиради ва амал қилиш муддати " 31 " декабр 2022 йилгача этиб белгиланади.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Махсулотларини топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни қоплайди.

6.2. Тўловни кечиктирилганлиги учун "Истеъмолчи" ҳар кечиктирилган кунга тўловни кечиктирилган сумманинг 0,2 % миқдоридан, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмаган миқдорда тавон (пеня) тулайди.

6.3. Боқимандани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди

6.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ.

7.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида қилиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музоқаралар олиб бориш йўли билан хал этилади.

7.2. Музоқаралар олиб бориш йўли билан низо хал этиш имконияти бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида тегишли суд органларига муурожаат этилади.

VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ.

8.1. Томонларнинг хошиш - истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (Ноқулай об-ҳаво шароитлари, зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар (форс-

мажор) туфайли бажарилмаган ёки қисман бажарилмаган (ётказиб берилмаган ёки тулаб берилмаган) лиги шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди ва ушбу ҳолатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади

IX. БОШКА ШАРТЛАР.

9.1. Шартнома тарафларнинг узаро келишувига мувофиқ ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда иккинчи тарафнинг талаби билан фақат хужалик судининг қарорига биноан бекор қилиниши ва ўзгартирилиши мумкин. Шартномани бир тарафлама бекор қилиш эзма тақлиф бериш йули билан амалга оширилади. Тақлиф олингандан сунг 30 кунлик муддат ичида унга жавоб олинмаган тақдирда шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

9.2. Тарафлар узларининг юридик манзиллари ва бошқа реквизитлари узгарганлиги ҳақида бир-бирларини 3 кунлик муддатда хабардор қилишлари шарт.

9.3. Шартномага ҳар қандай узгартириш ва қушимчалар ёзма равишда бажарилган ва твклифларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳолдагина ҳақиқийдир.

9.4. Шартнома икки нусхада тузилган булиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва тарафларига бир нусхадан берилади.

9.5. Шартномага иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

"Хатирчи асл ипак гиламлари" МЧЖ
Юридик манзилгоҳ: Бохчакалон МФЙ
ТЕЛ: 94-483-06-17
Ҳр 20208000405222093001
Банк номи: Хатирчи Халқ банки
ХККМ
ИНН 307379242
Банк коди(МФО) 00704

Рахбар М.Хамраева

Хатирчи тумани Мактабгача таълим бўлими
Юридик манзилгоҳ: Дехқонобод МФЙ
ТЕЛ: 79-545-51-60
ШХ/Р 400522860122517091100251001
Банк номи Тошкент Марказий банк
ИНН 305150546
Банк коди(МФО) 00014

Рахбар А.Тошев

